

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВА УМИДА КАМОЛОВНА

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДАГИ НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Насирова Умида Камоловна

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг инглиз тилини ўқитишдаги
нутқ компетенциясини ривожлантириш..... 3

Насирова Умида Камоловна

Развитие речевой компетенции у учащихся профессиональных
колледжей при обучении английскому языку..... 25

Nasirova Umida Kamolovna

Developing Speech Competence of Vocational College
Students..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИРОВА УМИДА КАМОЛОВНА

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДАГИ НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.2.PhD/Ped981 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган.

Диссертация автореферати Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ва «Ziyo Net»
ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да уч (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Аҳмедова Лайлохон Толибжоновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхтасинов Илҳомжон Мадаминович
педагогика фанлари доктори, доцент

Мисиров Соҳибжон Абдунатгасвич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Илмий
даражалар бериш бўйича № DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 Илмий кенгашининг 2020 йил «18»
август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани,
Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92, e-mail:
uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-А. Тел: (99871) 230-12-91; факс:
(99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «8» август куни тарқатилди.

(2020 йил «8» август даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х. Бокиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.
ф.д., профессор

Х.Б. Самилова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий
котиби, филол. ф.д., доцент

Д.Р. Джуманова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси в.б.,
филол. ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсидаги глобаллашув шароитида мамлакатлар ўртасида ўзаро сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва дипломатик алоқалар касб-хунар ўқув юртлари ўқувчилари нутқий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлган чет тили коммуникатив компетенциясини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Япония, Россия каби давлатларда турли соҳа мутахассисларининг хорижий тилларда ўз касбий соҳаларида эркин мулоқот юрита олишларига алоҳида эътибор қаратилган. Европада тор доира мутахассисларига инглиз тилини ўргатиш (English for specific purpose), инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитилиши (Teaching English as foreign language), стратегия асосида ўргатиш (Strategy based instruction), прагматик компетенция, танқидий таҳлил қилиш (Critical thinking) ҳамда дуал таълим (the Dual system) тизими бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида касб мутахассисларининг соҳавий маҳорати (World Skills International) талаблари, касб-хунар коллежларида ўқитиш тизими ((VET system) Vocational Education and Training), тил билишни баҳолаш (Language assessment and testing), инглиз тилидаги оғзаки нутққа фидбек бериш, сендвич усули (аввал ижобий коммент бериб, сўнгра камчиликларни кўрсатиб, кейин яна ижобий ютуқларни кўрсатиш) бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан касб-хунар коллеж ўқувчиларининг коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик бўйича хорижий тилда суҳбат олиб бориш, ўз мутахассислиги доирасида илмий ахборот алмашиш – хорижлик мутахассислар билан оғзаки шаклдаги мулоқот усулидан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимиз касб-хунар коллежларида ўқувчилар турли мутахассисликлар бўйича амалий фаолиятга тайёрланиши натижасида хорижий тилларни ўргатиш муайян касб-хунарга йўналтирилган, ўқувчининг келажақдаги касби билан боғлиқ бўлиши лозим. “Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда ўқувчиларнинг хорижий тилни кейинги фаолияти учун зарур бўладиган даражада эгаллашлари, мутахассислик бўйича илмий-техник ахборот ёки маълумотни чет тилида ёзилган адабиётлардан ўқий олишлари, рефератлар ва илмий мақолалар аннотацияларини ёза олишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Электрон ресурс: <http://www.lex.uz>.

тўғрисида»ги ПҚ–2909-сон қарори, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3775-сон қарори, 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2829-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ВМҚ 174-сон қарори, 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ 610-сон қарори, 2018 йил 10 октябрдаги «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги ВМҚ 816-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш методикаси Г.Х.Бакиева, М.Джусупов, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, М.Т.Ирискулов, У.Х.Хашимов, Г.Т.Махкамова, Ш.С.Алимов, К.Н.Караева, Г.Н.Ирмухамедова каби тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган².

Инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича И.М.Тухтасинов, Н.П.Бабаниязова, Б.Ғ.Кулматов, Ф.С.Азизова, Ф.С.Абдуллаева, Х.Маматкулов каби кўплаб тадқиқотчиларнинг диссертация ишлари бажарилган³.

² Бакиева Г.Х. Ирискулов М.Т., Рашидова Ф.М. “English B1. Student’s book. For the 1st year students of Academic Lyceums and Vocational Colleges”, – Т: «Ўзбекистон», 2014 г. – 176 с.; Джусупов М.Д. Обучение русскому произношению студентов-казахов при изучении курса фонетики современного русского языка. Дисс...канд. пед. наук. – Т.: 1983. – 162 с.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Т.: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с.; Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov SH.S. English Language Teaching Methodology. – Т.: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.; Ирискулов М.Т. Чет тилларни ўқитишда CEFR ўрни// Узлуксиз таълим журнали. – Т.: 2016. №1. – Б.77 – 83.; Хашимов У.Х. ва бошқалар. Чет тилини ўқитиш методикаси. – Т.: 2003. – 210 б.; Алимов Ш.С. Методика обучения вопросительным предложениям английского языка студентов национальной (узбекской) аудитории языкового ВУЗа. Дисс...канд. пед. наук. – Т.: 1985. – 183 с.; Караева К.Н. ва бошқалар.13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (хорижий тиллар) ихтисослиги бўйича малакавий имтихон дастури. – Т.: 2017. – 20 б.; Ирмухамедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов (на старших курсах экономических ВУЗов) Автореф. дисс. канд.пед.наук, – Т.: 2008. – 42 с. У-49897/0.

³ Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ходисаси асосида ривожлантириш: Автореф.дисс...докт.пед.наук. – Т.: 2018. – 87 б.; Бабаниязова Н.П. Модульная технология обучения глагольной лексике английского языка учащихся уровня B1 Республики Каракалпакстан. Автореф. дисс...доктора философии. – Т.: 2018. – 50 с.; Кулматов Б.Ғ. Инглиз тилини инновацион технологиялар

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича С.А.Мисиров, З.Р.Абдужабборова, Н.Назарова ва М.С.Исмаева қабилар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар⁴.

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида монологик ва диалогик нутқ муносабатларининг мақсад ва вазифалари, оғзаки нутқнинг лингвистик хусусиятлари, нутқий ахборотни қабул қилиш ва узатиш жараёни, коммуникация ва коммуникатив акт сингари масалаларни лингвистик жиҳатдан Л.В.Щерба, А.А.Леонтьев, Л.С.Выготский, Н.И. Жинкин, Т.А.Ладыженская, М.Я.Демьяненко, Р.П. Мильруд ва бошқалар тадқиқот ишларида кўриб чиқишган⁵. Нутқ компетенцияси хусусиятлари ва коммуникатив кўникмаларни шакллантириш муаммолари методик жиҳатдан Б.Ю.Городецкий, Дж.Равен, В.В.Сафонова, А.Г.Штарина, Н.А.Кобзева, И.Л.Бим, И.А.Зимняя, В.И.Андрянова, Л.А.Лопинцева, И.А.Мартянова, Н.А.Полторак томонидан ўрганилган⁶. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг нутқ фаолиятини ривожлантириш муаммолари А.С.Серединцева, Е.В.Невмержицкая, Ю.Д.Ермакова, М.П.Епифанова, А.В.Щеколдина, С.А.Гудкова, Т.М.Салтыкова томонидан тадқиқ этилган⁷.

Хорижий мамлакатларда инглиз тилини ўқитиш масалаларини Walo Hutmacher, R.J.Mirabile, S.B.Parry, L.M.Spencer, S.M. Spencer, A.Stoof, R.L.Martens, L.L.G.Marrienbaer каби олимлар ўз ишларида тадқиқ этишган⁸. Хусусан, коммуникатив компетенцияни шакллантириш, оғзаки нутқни ривожлантириш S.Hanson, K.Carter, J.Siegel, B. Bricklin Zeff, M.Casamassima, F.Insua, M.Jellick, K.Odhuu, H.Kayi, Jack C.Richards, O.Zeytin томонидан ўрганилган⁹.

Республикамызда кўплаб олимлар касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг оғзаки нутқини шакллантириш муаммолари билан

ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Пед.фан.фал.док...дисс. автореф. – Т.: 2018. – 45 б.; Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) пед.фан.фал.док...дисс. автореф. – Т.: 2018. – 55 б.

⁴ Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари: Автореф. дисс ... канд. пед. наук. – Т.: 2007. – 50 б.; Абдужабборова З.Р. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилида кўшимча матнлар ўқитиш технологияси. пед. фан. фал. док...дисс. автореф. – Т.: 2012. – 26 б.; Назарова Н. Чет тилларни ўргатишда самарадорликнинг мезонлари.//Замоनावий таълим, – Т.: 2014. №7, 55–60 б.

⁵ Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – 138 с.; Леонтьев А.А. Речевая деятельность: Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974. с. 21-28.; Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М., 1991. – 408 с. ва бошқалар.

⁶ Городецкий Б.Ю. Компьютерная лингвистика: моделирование языкового общения. Новое в зарубежной лингвистике: Выпуск 24. – М.: Прогресс, 1989. – 432 с.; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. – М.: Когитоцентр, 2002. – 396 с.; ва бошқалар.

⁷ Серединцева А.С. Коммуникативно ситуативное обучение студентов педагогического колледжа иностранному языку на материале английского языка. Дисс. док. пед. наук., – Волгоград, 2007. – 218 с.; Невмержицкая Е.В. Этноориентированная методика обучению иностранному языку в системе среднего профессионального образования: Автореф. дис. док. пед. наук. – М., 2011. – 51 с. ва бошқалар.

⁸ Mirabile R.J. Everything you Wanted to Know about Competency Modeling// Training and Development. – 1997. – August, p. 73-77.; Parry, S.B. The Quest for Competency: Competency Studies Can Help you Make HR Decision, but the Results are Only as Good as the Study// Training. 2018. – p. 33, 48-56. ва бошқалар.

⁹ Stephanie Hanson. Pair Counting to Improve Grammar and Spoken Fluency// English Teaching Forum, USA, Vol. 55, № 4, 2017. pp. 24-28.; Joseph Siegel. Pragmatic Activities for the Speaking Classroom// English Teaching Forum, USA, Vol. 54, № 1, 2016. – P. 12-20. ва бошқалар.

шуғулланган бўлсаларда, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўргатишда оғзаки нутқ компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда нутқ компетенциясини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий тил нутқ компетенциясини ривожлантириш моҳияти таҳлили ва унинг амалий аҳамиятини тадқиқ қилиш;

касб-хунар таълими йўналишларида инглиз тилини ўқитишда нутқ компетенциясини ривожлантириш ҳолатини таҳлил қилиш;

касб-хунар таълими йўналиши ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг ўқув-услубий манбаларини инновацион методлар асосида такомиллаштириш;

алоқа ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга йўналтирилган электрон ахборот тизими дастури, машқ ва топшириқлар тизимини шакллантириш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва тадқиқот натижаларини статистик таҳлилда ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини инновацион методлар асосида ривожлантиришнинг мазмуни, хусусиятлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алоқа ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг оғзаки нутқида учрайдиган одатий ва кенг тарқалган нутқий хатолар типологиясини аниқлаш натижасида нутқ компетенциясини шакллантиришга асосланган инновацион методлар ривожлантирилган;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларига дуал тизим орқали инглиз тилини ўқитишда нутқий компетенцияни ривожлантириш, мулоқот қилиш, диалогик ва монологик нутқни эгаллаш каби қийинчиликларни аниқлаш асосида оғзаки нутқни ривожлантириш методикаси назарияси такомиллаштирилган;

алоқа ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг инглиз тилида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантирувчи ҳамда мутахассисликка мос ва касбга йўналтирилганликка асосланган тизимлаштирилган ва дастурлаштирилган ахборот таъминоти таклиф этилган;

алоқа ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича кичик мутахассисларнинг инновацион таълим технологиялари нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг методик таъминоти (ESP) – янги инновацион интерфаол методлар ва таклиф этилган дидактик материаллар интеграцияси орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг мутахассислиги, хусусан, алоқа касб-хунар коллежлари ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда монологик ва диалогик нутқни ривожлантиришга йўналтирилган машқлар тизими ишлаб чиқилган;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларига нутқ компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган методиканинг назарий жиҳатлари такомиллаштирилган;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларига нутқ компетенциясини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилган инновацион технологияларга асосланган электрон ахборот тизимининг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хорижий тилларни инновацион методлар асосида ўқитиш жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда ҳамда касб-хунар таълимида алоқа ва ахборот технологиялари йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг касбга йўналтирилганлик ҳолати такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, тил ўргатишни инновацион методларга асосланган самарали усуллари, машқ ва топшириқлар тизими, методик ва дидактик таъминотидан ишлаб чиқариш корхоналарига мақсадли тарзда юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, хорижий тил ўқитувчилари малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий

машғулотларда ҳамда шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Инглиз тилини ўқитишда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг нутқий компетенциясини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

алоқа ва ахборот технологиялари йўналиши касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг оғзаки нутқида учрайдиган одатий ва кенг тарқалган нутқий хатолар типологиясини аниқлаш асосида олинган хулосалардан Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги тайёрлов курслари ўқувчиларида дастлабки тест, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда инглиз тилида мулоқот (монолог ва диалог)ни шакллантиришга оид мавзуларни ишлаб чиқишда, оғзаки нутқни ривожлантириш учун мўлжалланган ўқув материаллар, интерфаол дарслар ҳамда якуний тест орқали ўқувчиларнинг инглиз тили коммуникатив кўникмаларини ўқув жараёнига жорий этишда фойдаланилган (Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги тайёрлов курслари инглиз тили дарслари жараёнида фойдаланилганлиги ва ижобий натижаларга эришилганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4202-рақамли маълумотномаси). Натижада, хорижий тиллар бўйича ўқув-услубий мажмуалар мазмуни бойитилган;

касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига дуал тизим орқали инглиз тилини ўқитишда нутқий компетенцияни ривожлантириш, мулоқот қилиш, диалогик ва монологик нутқни эгаллаш каби қийинчиликларни аниқлаш асосида қўлга киртилган хулосалардан Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг ўқитувчиларнинг касбий қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларида “Оғзаки нутқ амалиёти” ҳамда Республика тил ўқитиш марказининг “Инглиз тилини ўқитиш методикаси” номли фанлари ўқув-услубий мажмуаларини бойитишга хизмат қилган (ЎзДЖТУ ҳузуридаги чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-05/121-рақамли маълумотномаси, Республика тил ўқитиш марказининг 2020 йил 10 январдаги 2/РЦ-рақамли маълумотномаси). Натижада, касб-ҳунар таълими йўналиши ўқувчиларига хорижий тилларни мутахассисликка мос ҳолда ўқитишни такомиллаштириш имконини берган;

алоқа ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг инглиз тилида оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантирувчи ҳамда мутахассисликка мос ва касбга йўналтирилганликка асосланган тизимлаштирилган ва дастурлаштирилган ахборот таъминотига оид хулосалардан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ўқув курсларининг “Инновацион муҳит” номли ҳамда Республика касб-ҳунар коллежларининг “Инглиз тили” фанлари бўйича ўқув-услубий

мажмуаларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 октябрдаги 89-03-4154-рақамли маълумотномаси, Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ўқув курсларига жорий этилганлиги ҳақида 2019 йил 10 октябрдаги ШК 08/08-666-сонли маълумотнома). Натижада, ушбу ахборот таъминоти ўқувчиларнинг оғзаки нутқ компетенциясини шакллантириш, мустақил ишларини такомиллаштириш имконини берган;

алоқа ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича кичик мутахассисларнинг инновацион таълим технологиялари нутқ компетенциясини ривожлантиришнинг методик таъминоти (ESP) – янги инновацион интерфаол методлар ва таклиф этилган дидактик материаллар интеграцияси асосида такомиллаштирилган ўқувчилар оғзаки нутқ компетенциясини шакллантирувчи методик таъминот “Тил кўникмалари интеграцияси” номли фаннинг ўқув-методик комплексини бойитишга хизмат қилган (ЎзДЖТУ ҳузуридаги чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-05/121-рақамли маълумотномаси). Натижада, касб-ҳунар таълими йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг методик асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, Республика касб-ҳунар коллежлари учун 1 та дарслик, 1 та электрон мултимедиял дарслик, 2 та ўқув қўлланма чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда тадқиқотга оид 5 та илмий мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та гувоҳномаси олинган.

Диссертация таснифи ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, асосий матн 165 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқотнинг объекти ва предмети белгиланган, мақсад, вазифалар шакллантирилган, ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб

берилган, апробация шакллари ва тадқиқот натижаларини жорий этиш аниқлаб берилган.

Диссертациянинг - «**Хорижий тилларни ўргатишда ўқувчиларнинг нутқ компетентлигини ривожлантириш назарияси ва амалиёти**» номли биринчи боби фаолият тури бўлган, муайян мақсадга йўналтирилганлиги ва бир неча фазалардан иборат эканлиги билан ажралиб турувчи «психоллингвистика» терминига синоним тушунча ҳисобланган нутқ фаолияти назарияси таҳлилига бағишланган.

Нутқ фаолиятига оид Л.С. Выготский (2005), А.А. Леонтьев (2018), А.Р.Лурия (1992), А.Н. Соколов (2007), Н.И. Жинкин (1982), И.А. Зимняя (2001), А.А.Залевская (2005), А.Е. Супрун (1993), А.А. Брудный (2016), И.Н.Горелов (2007) ва бошқаларнинг назариясига таянган ҳолда, биз ҳам нутқ фаолиятини “хар бир нутқ ҳаракати мотивлашган ва муайян мақсадга йўналтирилган алоҳида нутқ ҳаракатлари шаклида намоён бўладиган сўзлашиш ва тушуниш актлари уйғунлиги”¹⁰ сифатида тавсифлаймиз.

Тадқиқотчиларнинг асосий фикрларидан келиб чиққан ҳолда кўринадики, оғзаки нутқ суҳбатдошларнинг бевосита мулоқоти натижасида юзага келади ва доимо нутқ вазиятига асосланади ва оғзаки нутқ қуйидаги хусусиятларга эга: сермазмунлик (такрорлашлар, аниқлаштиришлар, тушунтиришлар мавжудлиги); новербал воситалардан фойдаланиш (имо-ишоралар, мимика), нутқий ифодаларни тежаш, эллипсислар (сўзловчи англаш осон бўлган фикрни айтмаслиги, ўтказиб юбориши мумкин). Оғзаки нутқни биз иккига ажратамиз: **диалогик нутқ** (икки ёки бир неча шахс томонидан бевосита айтиладиган фикр алмашиш) ва **монологик нутқ** (бир ёки бир гуруҳ эшитувчиларга, айрим ҳолларда сўзловчининг ўзига қаратилган нутқий мурожаат).

Оғзаки нутқнинг лингвистик воситаларига махсус ажратиладиган лексик бирликлар, мураккаб бўлмаган грамматик тузилмалар, оҳанг (мелодик, ритм, урғу, тембр)ни, нолингвистик воситаларга эса экстралингвистик компонентлар - ҳолатлар, имо-ишоралар, мимика, табассум, кулги ва ҳоказоларни қўшамиз.

Методик жиҳатдан **нутқнинг диалогик ва монологик шакллари** бир-биридан фарқ қилади, нутқий муносабатда икки жараён мавжуд: нутқий ахборотни қабул қилиш жараёни (аудиолашиш) ва нутқий ахборотни узатиш (сўзлаш). Бунинг натижасида оғзаки нутқни ўрганишнинг 4 объекти юзага келади – нутқнинг диалогик ва монологик шаклларида аудиолашиш ва сўзлаш ва шу тариқа мулоқот жараёни ўзида коммуникатив компетентликнинг муҳим компоненти – тилдан нутқий-фикрий фаолият қуроли сифатида фойдаланишга тайёр бўлган лингвистик компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришни акс эттиради.

Тажриба шуни кўрсатадики, **диалогга ўргатиш** монологга ўргатишдан кўра мураккаброқ, чунки диалог тил материали билан амалиётга киришишни

¹⁰ Леонтьев А.А. Речевая деятельность// Основы теории речевой деятельности/ от-в ред. А.А. Леонтьев. – М: Наука, 1974. С.173.

юқори даражада автоматлаштиришни ва аудиолашиш маҳоратини ишлаб чиқишни, фикрнинг йўналишини кузатиб боришни, берилган мавжуд вазиятни тезда ва лозим даражада баҳолашни талаб этади.

Монологик нутқда айтиладиган гапларни олдиндан тузиб олиш ва уларни тилда амалга оширишга тайёрлаш имконияти мавжудлиги туфайли ифодалаш тизими ва мантиғини ўйлаб олиш, сўзлаш тактикасини танлаш, баъзан, ҳатто, коммуникатив вазифани ўзгартириш ҳам мумкин.

Ўрта-маҳсус ўқув юртларида тайёргарлик олиб бориладиган ихтисосликлар диапазони жуда кенг. Масалан, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ўқувчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади: Телекоммуникация тизимларини эксплуатация қилиш ва пайвандлаш; Узатиш тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш; Почта алоқасини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш; Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит; Менежмент; Радиоэшиттириш, радио алоқаси ва телевидение воситалари эксплуатацияси ва уларга хизмат кўрсатиш. Бинобарин, дастурда биз чет тилини мутахассисликни ҳисобга олган ҳолда ўқитишни учратмадик. Самарқанд ахборот технологиялари, Қарши политехника ва Тошкент алоқа коллежларининг 2018-2019 ўқув йили учун мўлжалланган ўқув режаларини таҳлил қилганимизда, биз мутахассислик билан боғлиқ мавзулар йўқлигига гувоҳ бўлдик. Ўрганиш билан боғлиқ мавзуларни ўқувчиларнинг предмет-коммуникатив эҳтиёжлари профилини аниқлаш асосида танлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Кўринадик, замонавий мутахассис келажак фаолияти давомида ижтимоий-маиший мавзулар (оила, об-ҳаво, саёҳат, таълимни давом эттириш имконияти ва ҳоказо)да ва қисман профессионал мавзуларда суҳбатлаша олиши (мисол учун, ўз корхонаси, у ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ҳақида ҳикоя қилиши, янги шартномани муҳокама қилишда иштирок этиши) лозим.

Касб-ҳунар коллежлари учун нашр этилган ўқув адабиёти ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш ўринлики, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ихтисослик ҳисобга олинган ҳолда яратилган инглиз тили дарсликлари ва ўқув қўлланмалари йўқлиги сабабли, ўқув жараёнига академик лицейлар ва коллежлар ўқувчилари учун мўлжалланган инглиз тили дарслиги ва ўқув қўлланмалари жорий қилинган. Ушбу адабиётларда инглиз тилининг лексик ва грамматик хусусиятлари баён қилинган, аммо касб-ҳунар коллежлари ихтисосликлари билан боғлиқ, ўқувчиларда инглиз тили воситалари орқали профессионал компетентликни шакллантирадиган матнли ва грамматик материаллар йўқ. Бизнингча, юқорида эслатиб ўтилган ўқув ресурсларидан касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари биринчи босқичда фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўларди. Иккинчи босқичдан бошлаб ва тўлиқ учинчи босқич давомида, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини фаол ўрганиш фаолиятига жалб қилиб, уларда ўқишга қизиқишни ривожлантириб, биринчи навбатда, уларни мулоқотга ўргатиш зарур, иккинчидан ўқувчиларда фаолият соҳасида ишлатиладиган сўз ва атамаларни қўллаш кўникмасини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, ўқувчиларнинг

профессional фаолияти шароитларини моделлаштириш шарт. Бу, энг аввало бўлажак мутахассислар профессионал фаолиятининг асосий соҳаларини белгилаб олишни тақозо этади.

Биз Германия, Россия, Швеция, Буюк Британия ва Япония каби мамлакатлардаги таълимнинг дуал тизимига асосланган тажрибаси билан танишиб чиқдик. Натижада бу тизимни бизнинг мутахассисларимизни тайёрлашда қўллаш таклифини киритдик. Бугунги кунда олий ва махсус касб-хунар муассасаларининг барчаси модернизация ва реформация қилишга муҳтождир. Мутахассисларни тайёрлашда дуал тизимни жорий этилиши касбий таълимни самарадорлигини ўсишида янги имкониятлар эшигини очади. Ушбу тажрибани ўрганишда шу фикрга келдикки юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг асоси бўлган амалиёти дуал тизим билан чамбарчас боғлиқ. Биз тадқиқотимизда дуал тизимини чет тил таълими билан боғлиқлигини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларига дуал тизимида чет тилини ўргатишда, хусусан, нутқий компетенцияни ривожлантиришда қўллашнинг афзалликларни кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Касб-хунар таълимида инглиз тилини ўқитишда дуал тизимининг анъанавий тизимдан афзалликлари


Фарқли хусусиятлари	Дуал тизим	Анъанавий тизим
Вазифасига Кўра	Кўпроқ вақтнинг амалий билимлар эгаллинишига сарфланиши (шу жумладан, инглиз тилида касбий соҳага оид материалларни ўрганиш).	70% дан зиёд вақт ўқув муассасасида ўтиши
	Ўқишни тугаллаганларидан сўнг битирувчилар ўзлари амалиёт ўтаган ва касбий кўникмаларни ўрганган муассасада кафолатланган ҳолда иш билан таъминланадилар ва ўз фаолиятларини давом эттирадилар (шу жумладан, хорижий мамлакатлардаги ўз касбдошлари билан тажриба алмашиш, касбий мулоқотни давом эттириш).	Ўқишни тугаллагач ишга жойлашиш жараёни битирувчиларнинг ўзларига юкланади
	Ўқиш жараёни бевосита келажақдаги иш жойида ўтиши билан биргаликда назарий билимларни ўқув билим юртида олиш синтезига асосланади.	Ҳам назарий ва ҳам амалий таълимни ўқувчилар фақат ўқув муассасасида оладилар ва амалиётга ўқишнинг охири курсининг охири семестрида борадилар (лекин бу жуда қисқа муддат бўлиши билан биргаликда иш билан таъминлаш кафолатини бермайди).

Сохага киришга кўра	Ишга ўрганиш ва ўргатиш жараёни таълим билан бир вақтда, босқичма босқич: оддийдан мураккабга қараб бориши (барча дидактик тамойилларнинг хорижий тилларни ўрганишда қўллаш)	Ишга ўрганиш ва ўргатиш жараёни фақатгина ишга жойлашгандан кейингина бошланади. Бу эса кадрни тез ва қисқа муддатда катта информацияни қабул қилишга мажбурлайди
	Бўлажак касб муҳити ва жамоаси билан яқиндан танишиш имконини беради ва корхона қонун қоидалари билан танишиб, жамоада ишлашни ўргатади (чет тилида касбий мулоқотни ривожлантириш ва илмий адабиётлар билан танишиб бориш)	Малакавий амалиётга берилган вақтни жуда қисқалиги сабаб муассаса билан яқиндан танишиш қийин кечади.
	Кўпгина корхоналар дуал система орқали ўзларига керакли бўлган аниқ кўникмаларга эга бўлган ва маълум талабларга жавоб берадиган кадрларни ортиқча вақт, чиқим сарфламасдан топиш имконига эга бўладилар (хорижий тилда мулоқот қила оладиган, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён эта оладиган, иш юритиш ҳужжатлари билан ишлай оладиган мутахассисларнинг зарурлиги).	Одатий жараёнга кўра малакали ва талабга жавоб берадиган кадрни топишга маълум вақт талаб этилади ҳамда бу кадр ишга олинган тақдирда ҳам унга иш ўргатиш учун вақт сарфланиши керак бўлади
Тил амалиётига кўра	Иш ўргатиш ва ўргатиш жараёнида касб-хунар профессионал билим юрлари билан бирга фирмалар, корхоналар, ташкилотлар ҳам жалб қилинади ва ўзаро бириктирилади (хорижий корхоналар билан ҳам шартномалар тузиш, ёзма мулоқот олиб бориш, тажриба алмашиш учун хорижий мамлакатларда малака ошириш).	Анъанавий таълимда маълум ва чекланган корхоналар билан шартнома тузилади
	Касб-хунар профессионал таълимининг барча соҳаларига: техник, информацион, ахборот технологиялар, ижтимоий, экономик, социал, туризм ва қолган жабҳаларида кенг қўлланилиши мумкин (хорижий тилда нутқ компетенциясини ривожлантириш, монологик ва диалогик нутқни такомиллаштириш).	

Диссертациянинг «**Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини инглиз тилига инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишда оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш**» номли иккинчи бобида инновацион воситаларни ўқув мақсадларида тавсифлашга нисбатан ёндашув қоидалари асослаб берилган. Мазкур бобда инновацион технологиялардан хорижий тилни ўқитишда муайян аниқ бир шароитларда юқори педагогик самарадорликка эришиш учун **қай йўсинда, яъни, қайси тамойиллар асосида, қандай услублар ва методик усуллар, қандай ўқитиш воситалари (техник ва нотехник)дан фойдаланган ҳолда ўқитиш кераклиги, ўқитишни**

ташқил этиш қандай бўлиши, қандай омилларни ҳисобга олиш, уларни хорижий тилни ўқитишда муайян аниқ бир шароитларда юқори педагогик самарадорликка эришиш учун қандай қилиб ҳисобга олиш зарурлигига илмий ёндашув асосида кўриб чиқилади ва қўйидаги педагогик технологиялар ҳақида сўз юритилади: ўқув мунозараси (давра суҳбати), видеоёзув, ўқув телевидениеси, ролли ўйинлар; «Кластер», «Фишбон» («Балиқ суяги»), «Нима учун?» диаграммалари, «SWOT», «Венн диаграммаси», «Т-жадвал», «Концептуал жадвал», «Инсерт», «Қандай қилиб?», «Синквейн» технологиялари, компьютер дастурлари. Биз машғулотлар давомида фойдаланган ушбу технологиялар коммуникацияга асосланди, бунда аввал талаб этилган вазифа оғзаки шаклда бажарилади, кейин эса ёзув амалга оширилади, яъни тушунтирилади, таҳлил, танқид қилинади, қиёсланади, муаммони ҳал этиш режалаштирилади. Бундан кўзланган мақсад, ўқувчилар хорижий тилни амалий эгаллашини таъминлашдир.

Биз юқорида тилга олинган барча технологиялардан ўтказилган тажриба-синов ўқитиш жараёни давомида фойдаландик ва хорижий тилларни ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш коммуникатив компетентликни ривожлантириш жараёнида ўқувчининг ўзи фаол позицияни эгаллашини тақозо этишига яна бир бор амин бўлдик. Биз томонимиздан яратилган алоқа касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг нутқий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган тизимлаштирилган ва дастурлаштирилган ахборот таъминоти қўйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм.

Тизимлаштирилган ва дастурлаштирилган ахборот таъминотининг кўриниши

Бизнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларимизга киритилган диалоглар қўйидаги коммуникатив вазифаларни бажаради: 1. Мулоқот шароитида йўналишни тез ва тўғри олиш; 2. Ўз нутқини тўғри режалаштира билиш, яъни мулоқот акти мазмунини танлаш; 3. Ушбу мазмунни узатишнинг адекват воситаларини топиш. 4. Қайта алоқани таъминлаш, яъни ўқувчилар лексик-грамматик кўникмалардан фойдалана билишлари лозим.

Сўнгра ўқитишнинг иккинчи босқичида ўрганиладиган диалог – матн монологик ифодани ишлаб чиқиш масаласини кўтаришдек ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, чунки монолог, бу – ёйилган, аргументланган бирлик. Бизнинг диалогларда монологик характердаги қўшимча матнлар берилган, бунда диалог микромонологлар занжирига айланади. Диалогик нутқни алоҳида, монологик нутқни ўқитиш жараёнидан холи ўқитиш ва аксинча ҳолат, бизнингча, мақсадга мувофиқ эмас. Оғзаки нутқнинг бундай турларини ўқитиш параллел олиб борилиши лозим, деб ҳисоблаймиз, чунки улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдиради. Монолог, қоидага кўра, ҳажмига нисбатан салмоқли, мавзу, композицион тизим, бош фикрга эга ифода. Шу билан бирга, монолог сўзловчидан (ёзувчидан) бирмунча тайёргарликни, ифодалаш маъносида иродавий куч талаб этади. Монолог – нутқнинг ўқувчилар учун ситуатив нутқ – диалогга нисбатан анча қийин бўлган туридир. Фикрларни ифодалаш усуллари, уларни ташкил этиш ва ривожлантиришга кўра, нутқий мулоқотлар тавсифлаш, ҳикоя қилиш, тушунтириш, далиллаш сифатида таснифланади. Бунда тавсифлаш объектлари предметлар, ҳодисалар, ҳолатлар, уларнинг борлиқда ва даврда жойлашиши ҳисобланади.

2 - жадвал.

Монологик сўзлашда фикрни ифодалаш усуллари

Фикрни ифодалаш усули	Фикрни ифодалашнинг вазифаси	Фикрни ифодалаш усуллари		
		Объект	Мулоқотнинг мақсади	Ахборот тақдимотининг характери
Баён қилиш	Реципиентга мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатиш	Предметлар, ҳодисалар, сифат, ҳолат, ҳолат жойи	Ўқувчида тавсифлаш объектлари ҳақида тасаввур уйғотиш	Статик
Ҳикоя қилиш		Ҳаракатлар, воқеалар, кетма-кетлик ва вақт давомида	Ўқувчида дарак объектлари ҳақида тасаввур уйғотиш	Динамик
Тушунтириш		Ҳаракатлар, жараёнлар, воқеалар ва уларнинг бир-бири билан алоқаси	Мавжуд фикрни тўғрилаш ёки янгисини яратиш	Статистик, динамик, умумлашган
Далиллаш, Баҳслашиш, Йўриқнома			Ўқувчига керакли тушунча ҳосил қилиш ва ҳаракатга ундаш учун таъсир кўрсатиш	

Кўриниб турибдики, **монолог** кўпинча **диалог** ичида ривожланади. Диалогик ва монологик нутқ ўртасидаги муносабат масаласи хали-ҳануз жуда қизиқарли муаммо ҳисобланиб, кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бу борада айрим олимлар ўқувчиларни иложи борида тезроқ табиий равишда

сўзлашадиган даражага келтириш учун диалогик нутқдан, унга хос бўлган суҳбат формулалари ва эллипслари билан бирга кенг фойдаланишни тавсия этишади. Бошқа бир мутахассислар эса анчайин меъёрий бўлган монологик нутқ фойдасига фикр билдиришади, чунки у оғзаки нутқ кўникмаларини янада ривожлантириш учун пойдевор яратади. Демак, бизнингча монологик ва диалогик нутқни параллел равишда ривожлантирган маъқул.

Шунингдек, ушбу бобда **диалогик нутқнинг ривожланиши билан боғлиқ қийинчиликлар** кўриб чиқилган. Қуйидаги ушбу қийинчиликлардан касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига хорижий тилни ўргатаётган инглиз тили ўқитувчиси хабардор бўлиши лозим:

1. Адекват материал танлашнинг шаклланган механизмлари йўқ. Лукма ташлаш (реплицирование) моҳияти бир қарашда кўринадиганга нисбатан жуда мураккаб. Диалогик бирликларнинг ўзлаштирилган типларидан ташқари, саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, кесатиш ва ҳоказоларни ифодаладиган нутқий қолипларни ҳам қўллай олиш зарур;

2. Муайян нутқий вазиятни, яъни коммуникация актини шартлаштирадиган тил ва экстралингвистик (жумладан, паралингвистик) ҳолатлар мужассамлигини тушунмаслик. Тушунмаган ҳолатда лукма ташлаш жараёни юзага келиши мумкин, аммо фикр алмашиш рўй бермайди;

3. Суҳбатни олиб бориш маҳорати етишмаслиги, яратувчанлик, гапни давом эттириш учун асос топа олмаслик;

4. Хато қилишдан қўрқиш ҳисси мавжудлиги, бу ҳолат кетма-кет «чайналиш»га олиб келади. Буни, айниқса, ўзининг асосий миссияси, ўқувчининг деярли ҳар бир сўзидан кейин унинг хатосини тўғрилашда деб биладиган ўқитувчиларда кузатилади. Ушбу тўсиқни ўқувчида бемалоллик ҳиссини яратиш орқали бартараф этиш мумкин. Бундай ҳолат машғулот давомида кўнгилли ахлоқий муҳит ҳукмрон бўлгандагина юзага келади;

5. Она тилидаги кучли тизимларнинг онгда қайтадан пайдо бўлган алоқаларни, худди ёт аъзодек чиқариб юборишга интиладиган интерферик таъсири. Интерференция ҳолатни бартараф этиш учун бошқа тил хусусиятларига диққатни кучайтирадиган ва тўғри хорижий тил нутқи автоматизмларини шакллантирадиган машқларни бажариш зарур.

Олимларнинг фикрларига таянган ҳолда¹¹, биз диалогик нутқни ўқитишни қуйидагича амалга оширишни лозим топдик: матн билан ишлаш, машқлар тизими ва тинглаш, яъни тинглаб, сўзлаш орқали.

Диалогик нутқдаги **қийинчиликларни** енгиб ўтиш учун тармоқланган **машқлар тизими** зарур, уларни бажариш натижасида босқичма–босқич нутқнинг мазкур шаклини эгаллаш йўлидаги қийинчиликлар ортда қолади. Бунинг учун нутқ фаолиятининг ушбу турини ўқитишда биз бажариш чоғида ўқувчилар диалогик бирликлар, шунингдек, тайёр нутқий қолипларнинг асосий типларини ўзлаштириш имконини берадиган машқларни таклиф

¹¹ Гез И.И., Ляховицкий М.В., Миролюбов А.А., Методика обучения иностранным языком в средней школе. М., 1982 С. 72.

этамиз. Бунда типли диалогларнинг таянч чизмаларидан фойдаланиш катта самара беради.

